

## **Қонунчиликдаги янги ислоҳотлар!**

**“Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида” 2021 йил 04 октябрь куни ЎРҚ-720-сонли ва “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-719-сонли қонунлар қабул қилинди.**

Мазкур қонун ҳужжатлари билан қўйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди:

**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали қайд этилган божхона тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишлари бўйича жарима солиш ҳақидаги қарор маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг иштирокисиз чиқарилади.**

**Жарима солиш тўғрисидаги қарор юридик кучга эга бўлган электрон ҳужжат шаклида расмийлаштирилади ҳамда ушбу ҳужжатни тузган ваколатли шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.**

**Жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан эътиборан уч кун ичida ҳуқуқбузарга электрон шаклда юборилади ёки қофоз шаклида топширилади ёхуд поча орқали топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат билан юборилади.**

**Жарима солиш тўғрисидаги қарорда қўйидагилар кўрсатилиши керак: қарор чиқарилган сана ва жой; уни чиқарган органнинг номи, шахснинг лавозими ва фамилияси; маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс тўғрисидаги маълумотлар; маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган (аниқланган) вақт, жой ва ҳолатлар, ушбу Кодекс Махсус қисмининг мазкур ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси ушбу модданинг қисми кўрсатилган ҳолда; қабул қилинган қарор, тайинланган жаримани тўлаш тартиби ва муддатлари, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек жарима солиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят беришнинг процессуал тартиби»;**

Жабрланувчи ёхуд унинг қонуний вакили ярашув тўғрисидаги аризани иш ваколатли органлар (mansabдор шахслар) томонидан кўриб чиқилиши вақтида, шунингдек суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд қарор чиқаргунига қадар бериши мумкин.

Аризада етказилган зарап бартараф этилгани, шунингдек ярашилганлиги муносабати билан маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги иш юритилишини тугатиш тўғрисидаги илтимос кўрсатилган бўлиши керак.

Агар ярашув ҳақидаги ариза иш биринчи инстанция судида суд муҳокамасидан ўтказилаётганда берилган бўлса, суд уни дарҳол кўриб чиқишга киришади.

Агар иш бўйича бир неча жабрланувчи бўлса, фақат барча жабрланувчилар билан ярашувга эришилган тақдирда, ярашув тўғрисидаги ишни юритиш мумкин.

Аризани қабул қилиш чоғида ваколатли орган (mansabдор шахс) ва суд жабрланувчига ёки унинг қонуний вакилига суд ярашувни тасдиқласа, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш ҳақида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтириши шарт.

**“Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-719-сонли қонунга асосан ушбу кодекснинг 198-моддаси биринчи қисмининг санкциясидаги иккidan бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан икки бараваригача, бир бараваридан ўн икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан ўн беш бараваригача деган янги ўзгартириш қўшимчалар билан алмаштирилганлди.**

---

**Риштон туманлараро иқтисодий**

**судининг девонхона мудири**

**Д.Абдурасулов**

2021-11-24 20:44:50